

Чуст туманидаги «Эшон суфи бобо» масжидининг янги биносига тамал тоши қўйилди



15:32 / 26.09.2024 1257

Жорий йил Наманган вилояти Чуст туманида жойлашган «Эшон суфи бобо» жомеъ масжидининг янги биноси пойдеворига тамал тоши қўйиш маросими бўлиб ўтди. Маросимда Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Наманган вилоятидаги вакили, вилоят бош имом-хатиби Мусохон домла Аббосиддинов, уламолар, аҳли илмлар, маҳалла қавми, нуроний отахонлар иштирок этишди.

Тадбирда вилоят бош имом-хатиби барпо этилаётган янги жомеъни халқимизга, мўмин-мусулмонларга қулай ва шинам ҳолатда бўлишини, хусусан, масжид хонақоҳи кенг ва ёруғ бўлиши юзасидан кўрсатмалар

берди.

Жомеъ масжид пойдеворида тамал тошини қўйиш жараёнида устозлар ушбу масжид мўмин-мусулмонлар учун зиё ва ҳидоят тарқатувчи, ёшлар маърифати юксалишида улкан ҳисса қўшадиган даргоҳ бўлишини тилаб, мазкур хайрли ишга ҳисса қўшганлар ҳамда мутасаддилар ҳаққига дуо қилди.